



13.06.2018 № 87-03-2305

## ОТМлар ректорларига

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси ҳамда вазирликнинг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон миллий университетида **2018 йилнинг 19-20 октябрь кунлари** “*Геоинформатика соҳасида илмий-тадқиқот ишлари: ҳозирги ҳолати ва иститқболлари*” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилишини маълум қиламиз.

Анжуманга тезислар 2018 йилнинг 1 сентябрь кунигача қабул қилинади.

Шу муносабат билан мазкур анжуман тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги соҳа мутахассислари эътиборига етказиш ҳамда уларнинг фаол иштирокини таъминлашингиз сўралади.

Иловада: Анжуманнинг ахборот хати – 2 бетда.

Вазир ўринбосари



У.Бегимкулов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институтини

Қорақалпоқ давлат университети  
Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтини  
Тошкент архитектура ва қурилиш институтини  
Обуда университети (ОУ) Венгрия  
Париж Лодрон Университети Зальцбург Австрия  
Қироллик технология университети Стокгольм Швеция  
Лейбниц институтини (ИАМО) Германия  
Ўзбекистон География жамияти

## АХБОРОТ ХАТИ

Хурматли ҳамкасблар!

“Геоинформатика соҳасида илмий тадқиқот ишлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциянинг ташкилий кўмитаси Сизни 2018 йил 19 - 20 октябрь кунлари Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтадиган конференцияда иштирок этишга таклиф этади.

Конференцияда профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар ҳамда соҳа мутахассислари конференция мавзуси доирасида олиб бораётган илмий изланишлари ва уларнинг натижалари, кашфиёт ва ихтиролари, илғор инновацион ғоялари ифода этилган мақолалари билан иштирок этишлари мумкин.

### Конференциянинг илмий-амалий йўналишлари:

1. Геодезик ишларни олиб боришда геоинформатика.
2. Мавзули картография, web-картография, картографик хизматлар ва иловалар.
3. Табиий ресурсларни бошқаришда кадастр хизматлари.
4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бошқаришда геоинформатика.
5. Архитектура ва қурилишда геоахборот технологияларини қўллаш.
6. Геофазовий таҳлил ва моделлаштириш.
7. Ерни масофадан зондлаш маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.
8. Таълим тизимида геоахборот технологиялари.
9. Ер ҳақидаги фанларда геоахборот технологияларининг роли

### Илмий мақолалар учун қўйиладиган талаблар:

1. Конференцияга тақдим этилаётган мақолалар матни ўзбек, рус ёки инглиз тилларида **IMRAD** структурасида ёзилган бўлиб, ҳажми камида 5 бетдан кам бўлмаслиги керак (<https://ru.wikipedia.org/wiki/IMRAD>).
2. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотациянинг мавжудлиги.
3. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида калит сўзларининг мавжудлиги (камида 5 та).
4. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар келтирилиши шарт.
5. Матн Microsoft Word дастурида (Times New Roman, 14 шрифт, 1,5 интервал,

манбалар рўйхати матнда эслатма тартибида рақамланди, матндаги ҳаволалар тўртбурчак кавс билан ажратилиши керак [1, 2-бет]. Тасвирлар рангли ёки оқ-қора вариантда тайёрланади.

6. Илмий мақолага соҳа мутахассисининг тақризи.

Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига муаллифлар шахсан жавобгардирлар. Магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг мақолалари илмий раҳбарлар тавсияси асосида қабул қилинади.

Конференция материаллари Ўзбекистон География жамияти ахборотномасида иштирокчилар маблағлари ҳисобига чоп этилиши муносабати билан ҳар бир бет учун 15000 сўм миқдорида олдиндан бадал ҳақи тўланади. Конференцияда иштирок этиш учун мақолаларни юқоридаги талабларга мувофиқ тайёрлаб, 2018 йил 1 сентябргача ташкилий кўмигага юборишингизни сўраймиз.

### **Мақолаларни топшириш муддати**

*Мақолаларни қисқача мазмунини (Абстракт) 30 июль 2018 йилгача  
Тўлиқ матнини топшириш 1 сентябрь 2018 йилгача*

### **Маъруза матнларини жиҳозлаш намунаси**

## **ФАЗОВИЙ ТАҲЛИЛ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

Пренов Ш.М. (14 кегель)

Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети,  
Тошкент, Ўзбекистон. [prenov0405@gmail.com](mailto:prenov0405@gmail.com) (12 кегель)

**Аннотация:** матн (12 кегель)

**Калит сўзлар:** матн (12 кегель)

Матн (14 кегель)

**Адабиётлар:** (14 кегель)

1. Асланакашвили А.Ф. Метакартография. Основные проблемы. – Тбилиси.: Мицниереба, 1974. -125 с. (12 кегель)

Маъруза материалларини конференция иши бошланишига қадар нашр қилиш режалаштирилган.

Ташкилий кўмига конференция мавзусига ва талабларига жавоб бермайдиган мақолаларни ёки белгиланган муддатдан кейин келган мақолаларни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

**Қўшимча маълумот олиш учун ташкилий кўмигага мурожаат қилиш мумкин**

Абдуллаев И.Ў.	(+99893 378 75 96)	<a href="mailto:ilkhomjon.abdullaev@gmail.com">ilkhomjon.abdullaev@gmail.com</a>
Рўзиёв А.С.	(+99893 396 47 01)	<a href="mailto:azizjon.ruziev84@gmail.com">azizjon.ruziev84@gmail.com</a>
Пренов Ш.М.	(+99897 769 67 35):	<a href="mailto:prenov0405@gmail.com">prenov0405@gmail.com</a>
Якубов Ғ.З.	(+99897 704 26 56)	<a href="mailto:yakubov1203@gmail.com">yakubov1203@gmail.com</a>

### **Ташкилий кўмига манзили:**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 100174, Тошкент ш., Университет кўчаси 4, География ва табиий ресурслар факультети, геодезия ва картография кафедраси.